

Пайғамбаримизнинг рўза тутишдаги суннатлари

«Ҳадю Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фи ибадатиҳи ва
муъамалатиҳи ва ахлақиҳи» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – اُزبکي]



Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазяд



Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

Мұхаррир: Абу Мұхаммад Али Бухорий

هدي النبي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الصوم

مقالة مقتبسة من كتاب هدي محمد صلى الله عليه وسلم في عبادته ومعاملاته وأخلاقه

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. أحمد بن عثمان المزيد

٨٠٩

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي
مراجعة: أبو محمد علي البخاري

10- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўза тутишдаги суннатлари¹

A- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазон рўзасини тутишдаги суннатлари:

- 1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Рамазон рўзасини тутишдаги суннатлари, рўзани Рамазон ҳилоли аниқ кўрилгандан, ёки хилолни кўрган бир кишининг гувоҳлиги билангина бошлар эдилар. Агар ой кўрилмаса ва кимса ойни кўрдим деб гувоҳлик бермаса, Шаъбон ойини ўттиз кун қилиб тўлдириб кўярдилар (ва кейин Рамазон рўзасини бошлардилар).
- 2- Агар Шаъбоннинг ўттизинчи кечаси ҳаво булуғли бўлиб, ой кўринмаса ҳам Шаъбонни ўттиз кун қилиб тўлдириб кўярдилар. Бундай булуғли кунларда (ой кўрилмаган пайтларда) Рамазон рўзасини бошламас ва бошқаларга ҳам рўза тутинглар демас эдилар.
- 3- Рамазон ойи рўзасини тугатишда эса, икки кишининг гувоҳлигига кўра иш тутар эдилар.
- 4- Агар ҳайит намозининг вақти чиққанидан кейин икки киши янги ойни кўрганларига гувоҳлик бергудек бўлса, рўзаларини очар ва бошқаларга ҳам рўзаларини очишларини буюрар ва ҳайит намозини эртаси куни ўз вақтида ўқир эдилар.
- 5- (Вақт кирган заҳоти) оғиз очишга ҳаракат қилас ва шунга қизиқтирап эдилар. Саҳарлик қилас ва саҳарлик қилишга қизиқтирап, сахарликни (оғиз

¹ Зодул-маод (2/30).

ёпиш вақтигача) кечиктиарар ва шундай қилишга тарғиб қиласр эдилар.

- 6- Шом намозини ўқищдан олдин ифторлик қиласр ва ифторликни топилса бир нечта (рутоб) янги пишган хурмо билан, агар йўқ бўлса, бир нечта (тамр) қуруқ хурмо билан, борди-ю у ҳам йўқ бўлса, бир неча қултум сув билан қиласр эдилар.
- 7- Оғиз очганларида шундай дер эдилар: “Захабаз зомау вабталлатил-урук ва сабатал-ажру иншаоллоху таъала” (Абу Довуд ривояти).
Маъноси: “Чанқоқ кетди, томирлар хўлланди ва иншаоллох ажр собит бўлди”.
- 8- Рамазон ойида ибодатларни кўпайтиарар ва Жибрийл алайхиссалом билан биргаликда Қуръонни ўқиб-ўрганар (такрор қиласр) эдилар.
- 9- Рамазонда садақа беришни, эҳсон қилишни, Қуръон тиловатини, намоз ва зикрни кўпайтиарар ва эътикоф ўтираср эдилар.
- 10- Ибодатлардан баъзиларини фақат ўзлари учун хослардилар. Масалан, баъзан (саҳарлик ва ифторлик қилмасдан бир неча кун) улама (ўткарма) рўза тутар ва асхобларини улама рўза тутишдан қайтарар эдилар.
Фақатгина саҳарлик қилмасдан рўза тутишга рухсат берардилар.

Б- Пайғамбар соллаллоҳу алайхи ва салламнинг рўза асносида мубоҳ бўлган ва тақиқланган нарсаларга доир суннатлари:

- 1- Рўзадорни бузук ишлар ва сўзлардан, бақириб-чақиришдан, сўкиниш ва ҳақорат сўзларни ишлатишдан ҳамда ҳақорат қилган кишига жавоб қайтаришдан қайтардилар. Бирон кимса рўзадор

кишини ҳақорат қилса, “Мен рўзадорман”, деб айтишга буюрдилар.

- 2- Рамазонда сафар қилсалар, (баъзи кунлар) рўза тутар, (баъзи кунлар) рўза тутмас эдилар ва саҳобаларига бу икки иш орасида ихтиёр берардилар.
- 3- Агар душманга тўқнашишга яқин қолсалар, рўзалирини очишга буюрар эдилар.
- 4- Сафарга чиқмоқчи бўлган рўзадорга рўзасини очиши учун маълум бир масофани белгилаб бермадилар.
- 5- Саҳобалар сафарга отланаётган пайтларида (шахар ёки қишлоқнинг энг сўнгги) уйларини ортда қолдиришга эътибор қилмасдан рўзаларини очишар ва бунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари ва суннатлари эканини айтишар эдилар.
- 6- Баъзан у зот алайҳис-салоту вас-салом (кечаси) оиласларига қўшилиш сабабли тонгда жунуб ҳолатда уйғонар ва бомдод маҳали ғусл қилиб, рўзасини давом эттирап эдилар.
- 7- Баъзан Рамазонда рўзадор ҳолатларида аёлларидан баъзиларини ўпар эдилар.
- 8- Рўзадор ҳолатларида мисвок ишлатар, оғиз ва бурунларини чайқар ҳамда бошларидан сув қуяр эдилар (яъни, эҳтиёж бўлганда чўмилар эдилар).
- 9- Бирон киши (рўзадорлигини) унугтан ҳолда еб ёки ичиб қўйса, унга қазосини туттирмадилар (яъни, ўша куннинг рўзасини дуруст ҳисобладилар).
- 10- Бемор ва мусоғир кишига (Рамазонда) рўза тутмасдан (согайгач ва сафардан қайтгач) қазосини тутишга рухсат бердилар. Ҳомиладор ёки эмизикли аёл агар ўзига зарар етишидан кўркса, уларга ҳам (Рамазонда) рўза тутмай, кейинчалик қазосини тутишларига рухсат бердилар.

В- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллати нинг нафл рўзаларга доир суннатлари:

- 1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллати нинг нафл рўзлардаги тутган йўллари энг комил, кўзланган мақсадни энг кўп ҳосил қилувчи ва нафсларга энг енгили эди. Яъни, у зот шундай рўза тутар эдиларки, ҳатто энди доимий рўза тутсалар керак, дейиларди. Баъзан рўза тутмасдиларки, ҳатто энди умуман рўза тутмасалар керак, дейиларди.
У зот Рамазондан бошқа бирон ойни тўлиқ рўза тутмадилар, бошқа ойлардан биронтасида Шаъбон ойида тутганчалик кўп рўза тутмадилар.
Бирон ойни унда (бирор кун) рўза тутмасдан ўтказмасдилар (яъни, ҳар ой маълум кунларда рўза тутардилар).
- 2- Жума кунини рўза тутишга хослаб олишни (ёки фақат биргина жума куни рўза тутишни) хуш кўрмасдилар.
Душанба ва пайшанба кунлари эса рўза тутишга ҳаракат қилардилар.
- 3- Ойдин кечали кунларда (қамарий ойларнинг 13, 14, 15-кунларида) хоҳ сафарда, хоҳ муқим бўлсинлар рўза тутишни тарқ қилмас ва ўша кунларда рўза тутишга қизиқтирадар эдилар.
- 4- Ҳар (қамарий) ойнинг ilk уч кунида рўза тутардилар.
- 5- Шаввол ойининг олти куни ҳақида шундай деган эдилар: “Рамазон билан бирга уларнинг (яъни, Шавволнинг олти кунининг) рўзаси, дахр — бир йиллик рўза тутиш билан баробардир” (Муслим ривояти).
Ошуро куни рўзасига эътибор берар ва у кунда рўза тутишилик ўтган йилги гуноҳларга каффорат бўлишини айтар эдилар (Муслим ривояти).

- 6- Арафа куни хақида эса шундай деган эдилар: “Арафа кунининг рўзаси ўтган ва келажак йилги гуноҳларга каффорат бўлади” (Муслим ривояти). Бироқ Арафотда бўлганларида Арафа куни рўзасини тутмас эдилар.
- 7- Хар доим рўза тутишлик у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларидан эмасди. У зот айтдиларки: “Ким давомли равишда (бир ой ёки бир йил ёда бир умр) рўза тутган бўлса, рўза хам тутмабди, оғзи очик ҳам бўлмабди (яъни, факат ўзини қийнабди)” (Насойи ривояти).
- 8- Баъзан нафл рўза учун ният қилас, сўнгра рўзаларини очар эдилар. Баъзан эса оилаларига кириб, “Хузурингизда (яъни, уйда) егулик бирон нарса борми?”, деб сўрар, “Йўқ”, деган жавобни олгач, “Унда мен рўзаман”, деб рўза тутардилар (Муслим ривояти).
- 9- “Битталарингиз рўзадор маҳалида таомга таклиф қилинса, “Мен рўзадорман”, десин”, дедилар (Муслим ривояти).

Г- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эътикофга доир суннатлари²:

- 1- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларига довур Рамазоннинг охирги ўн кунида эътикофга кирад эдилар. Бир сафар Рамазонда эътикоф қилолмадилар ва Шаввол ойида қазосини ўтадилар.
- 2- Қадр кечасини топиш мақсадида дастлаб Рамазоннинг аввалги ўн кунида, сўнгра ўртасида, кейин охирги ўн кунлигига эътикоф қилдилар. Сўнгра

² Зодул-маод (2/82).

Қадр кечасининг охирги ўн кунликда эканлиги аниқ бўлгач, Аллоҳ таолога йўлиққунларигача охирги ўн кунликда эътикоф қилишда давом этдилар.

- 3- Эътикофни ҳеч қачон берўза қилмадилар.
- 4- Масжидда бир чодир килинишини буюар, чодир қилингач ўша ерда ёлғиз қолиб, эътикоф қиласр эдилар.
- 5- Эътикофга кирмоқчи бўлсалар, бомдод намозини ўқир, сўнгра эътикоф ўринларига кирап эдилар.
- 6- Эътикоф қиласдиган жойларига ўринлари ва тўшаклари кўйилар ва эътикоф чодирига ёлғиз кирап эдилар.
- 7- Уйларига инсоний ҳожатларидан ташқари ҳолатларда кирмасдилар.
- 8- Баъзан хотинлари Оишанинг хужрасига бошларини киргизар, Оиша ҳайзли ҳолатларида у зотнинг соchlарини (юваб-тараб) парвариш қиласр эдилар.
- 9- У зот эътикофда бўлғанларида аёлларидан баъзилари у кишини зиёрат қиласр, қайтмоқчи бўлганида кечқурун бўлгани боис уни кузатиб қўяр эдилар.
- 10- Эътикофда бўлган пайтлари хотинларидан биронта-сига на ўпиш билан бўлсин, на бошқа шаклда бўлсин яқинлашмас, тегинмас эдилар.
- 11- У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар йили ўн кун эътикоф қиласр эдилар. Фақат вафот этган йил эса йигирма кун эътикоф қилгандилар.

